

Нобель мукофоти лауреати Азиз Санжар: “Сарҳадсиз билим ичра кечган ҳаёт”



11:23 / 16.10.2018 3495

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ташаббуси билан яна бир Нобель мукофоти лауреати АҚШнинг Шимолий Каролина университети профессори, кимё бўйича 2015 йилги Нобель мукофоти совриндори Азиз Санжарнинг юртимизга ташрифи ташкил этилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида вазир Ином Мажидов кимё бўйича Нобель мукофоти лауреати, Шимолий Каролина университети профессори жаноб Азиз Санжар билан учрашди.

Олимнинг юртимизга ташрифи Ўзбекистон ёшларининг илмий тадқиқот ишларига қизиқишини орттириш, уларнинг ўз олдига аниқ мақсадлар

қўйиб, танлаган соҳасида ижобий ютуқларга эришишида муҳим аҳамият касб этади.

Азиз Санжар таниқли олим ўзбек алломаларининг жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини эътироф этар экан, илм-фан тараққиёти фундаментал тадқиқотлар билан узвий боғлиқлигини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги матбуотининг хабар беришича, Нобель мукофоти лауреати 15-22 октябрь кунлари юртимизда бўлади ва “Азиз Санжар: сарҳадсиз билим ичра кечган ҳаёт” мавзусида халқаро илмий анжуман, кимё йўналишида таҳсил олувчи бакалавр ва магистрлар учун онлайн маъруза ҳамда Ўзбекистон миллий университетиде молекуляр биология лабораториясининг очилиш маросими режалаштирилган.

***Islom.uz* портали таҳририяти**